# ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-сентябрида ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми жорий нархларда 170 074,8 млрд. сўмни ташкил этди. ЯИМнинг ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 105,3 фоизни ташкил этди.

Иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯИМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 103,5 фоиз, (ЯИМ таркибидаги улуши – 16,9 фоиз), саноат – 104,1 фоиз (25,0 фоиз), қурилиш – 105,3 фоиз (7,4 фоиз), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 106,5 фоиз (11,6 фоиз), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 107,3 фоиз (13,1 фоиз) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 106,0 фоиз (26,0 фоиз) ни ташкил қилди.

**Ялпи ички маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби**

*январь–сентябрь ҳолатига (жамига нисбатан фоизда)*




2017 йилнинг январь–сентябрда ЯИМ таркибида хизматлар соҳасининг улуши 50,7 фоизни ташкил қилди, бу эса 2016 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 0,6 пунктга камдир (51,3 фоиз). Жумладан, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари 0,6 пунктга камайди ва ҳисобот даврида 13,1 фоизни ташкил қилди.

Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар улуши 0,5 пунктга ошди ва 11,6 фоизни ташкил қилди, хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар улуши 2016 йил январь–сентябрдаги 26,5 фоиздан 2017 йил январь-сентябрда 26,0 фоизга тушди.

Мулкчилик шакллари бўйича ЯИМ умумий ҳажмининг 80,3 фоизи иқтисодиётнинг нодавлат секторига, 19,7 фоизи – давлат секторига тўғри келди.

**Ялпи ички (ҳудудий) маҳсулот**
*2017 йил январь-сентябрь ҳолатига*

| | *ЯИМ (ЯҲМ)* | | *Аҳоли жон бошига ЯИМ (ЯҲМ)* | |
|---|---|---|---|---|
| | *млрд.сўм* | *ўсиш суръатлари, %* | *минг.сўм* | *ўсиш суръатлари, %* |
| **Ўзбекистон Республикаси** [1)] | **170 074,8** | **105,3** | **5 262,8** | **103,5** |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 5 756,9 | 105,4 | 3 152,7 | 103,9 |
| вилоятлар: | | | | |
| Андижон | 9 401,3 | 107,1 | 3 154,3 | 105,3 |
| Бухоро | 8 058,2 | 103,0 | 4 348,3 | 101,5 |
| Жиззах | 4 303,8 | 104,0 | 3 285,1 | 102,0 |
| Қашқадарё | 12 015,7 | 103,3 | 3 863,6 | 101,3 |
| Навоий | 8 766,0 | 100,7 | 9 242,0 | 99,1 |
| Наманган | 6 758,2 | 104,5 | 2 531,4 | 102,6 |
| Самарқанд | 12 320,0 | 103,4 | 3 350,9 | 101,5 |
| Сурхондарё | 7 646,6 | 103,0 | 3 081,6 | 100,9 |
| Сирдарё | 3 267,8 | 99,0 | 4 045,3 | 97,5 |
| Тошкент | 18 405,0 | 103,3 | 6 477,7 | 102,1 |
| Фарғона | 11 412,2 | 103,8 | 3 183,2 | 102,1 |
| Хоразм | 5 841,5 | 106,7 | 3 270,2 | 104,9 |
| Тошкент ш. | 26 382,6 | 106,1 | 10 813,9 | 104,6 |

2017 йилнинг 9 ойлик маълумотларига кўра ЯҲМнинг юқори ўсиш суръатлари Андижон вилоятида (107,1 фоиз), Хоразм вилоятида (106,7 фоиз) ва Тошкент шаҳрида (106,1 фоиз) кузатилди. Ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиш

[1)] *Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган маълумотларни қўшган ҳолда.*

суръатларининг республика даражасига (105,3 фоиз) нисбатан паст кўрсаткичлари Сирдарё (99,0 фоиз), Навоий (100,7 фоиз), Бухоро (103,0 фоиз) ва Сурхондарё (103,0 фоиз) вилоятларида кузатилди.

**ЯИМни шакллантиришда худудларнинг иштироки**

*2017 йил январь-сентябрь ҳолатига (ЯИМ га нисбатан фоизда)*




Республика бўйича ЯИМни шакллантиришда Тошкент шаҳри 15,5 фоизли улуш билан етакчилик қилмоқда, Тошкент ва Самарқанд вилоятлари мос равишда 10,8 фоиз ва 7,2 фоиз кўрсаткичи билан кейинги ўринларни эгаллашган. ЯҲМнинг энг кам улуши Сирдарё вилоятида (1,9 фоиз), Жиззах вилоятида (2,5 фоиз), Хоразм вилоятида (3,4 фоиз) ва Қорақалпоғистон Республикасида (3,4 фоиз) кузатилди.

**Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг**

**тармоқлар кесимида тақсимланиши**

*2017 йил январь-сентябрь ҳолатига (жамига нисбатан фоизда)*


Қорақалпоғистон Республикаси
Андижон
Бухоро
Жиззах
Қашқадарё
Навоий
Наманган
Самарқанд
Сурхондарё
Сирдарё
Тошкент
Фарғона
Хоразм
Тошкент.ш
15,2
35,7
49,1
26,7
28,9
44,4
24,3
31,7
44,0
33,8
22,9
43,3
18,4
44,1
37,5
14,5
58,9
26,6
20,4
23,8
55,8
31,7
24,7
43,6
34,1
15,8
50,1
30,6
29,5
39,9
24,3
36,7
39,0
16,5
31,7
51,8
26,9
25,2
47,9
38,1
61,9
0%
20%
40%
60%
80%
100%
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
Хизматлар соҳаси